

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
ДАВЛАТ МУЗЕЙИ**

**МУЗЕЙШУНОСЛИК XXI АСРДА:
ТАДҚИҚОТЛАР, АНЪАНАЛАР ВА
ИННОВАЦИЯЛАР**

**Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари
тўплами**

2-КИТОБ

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК 069.01:001.895(082) «XXI»

Масъул мухаррирлар:

Жаннат ИСМАЙЛОВА, тарих фанлари доктори, профессор

Алишер ИСМАЙЛОВ, п.ф.б. фалсафа доктори (PhD), кат.и.х.

Лариса ЛЕВТЕЕВА, тарих фанлари номзоди, кат.и.х.

Жамловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Дилафрўз КАРИМОВА, т.ф.б. фалсафа доктори (PhD), кат.и.х.

Тохир НОРҚОБИЛОВ, музей илмий ходим

Такризчилар:

Т.ф.д.Б.В.Хасанов, т.ф.н.Х.Файзиев

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Илмий кенгашининг 2022 йил 4 апрелдаги мажлиси қарори асосида нашрга тавсия этилган.

Тўплам музейшунос, тарихшунослар, тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Ўз Р Ф А Ўзбекистон тарихи давлат музейи, 2022.

Манзила КУРБАНОВА,
БухДУ Бухоро тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди
E-mail: manzila.kurbanova58@mail.ru
тел: +99891 403 68 81
(Ўзбекистон)

БУХОРО ЗАРБОФ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИ КОЛЛЕКЦИЯСИ

Аннотация: Мақолада Бухоро воҳасининг машҳур ҳунар турларидан бири зардўзлик касби, Бухоро амирларининг йиллар давомида жамланган зардўзлик маҳсулотлари, улар билан боғлиқ тарихий-этнографик маълумотлар манбалар ва илмий адабиётлар асосида таҳлил этилган. Бухоро давлат музей-қўриқхонаси фондлари материалларидан фойдаланилган.

Калит сўзлар: зардўзлик, зардўзи салла, бугчахона, «гузари зардўзон», амирлик коллекцияси,

Аннотация: в статье использованы одна из популярных видов ремесел Бухарского оазиса является профессия золотошвейного дела, золотошвейные изделия, которые на протяжении многих лет концентрировались бухарскими эмирами, анализируются историко-этнографические данные, связанные с ними, на основе источников и научной литературы. Используются материалы фондов Бухарского государственного музея-заповедника.

Ключевые слова: золотошвейные, золотошвейное дело, золотошвейная чальма, бугчахона, «гузари зардўзон»- «квартал зардўзон», коллекция эмирата.

Abstract: The following article uses one of the most popular types of crafts of the Bukhara oasis is the profession of gold embroidery, gold embroidery products, which have been concentrated by the Bukhara emirs for many years, historical and ethnographic data related to them are analyzed on the basis of sources and scientific literature. The materials of the funds of the Bukhara State Museum-Sanctuary were used.

Keywords: golden-embroidery, golden-embroided turban, bughchakhona, «guzari zarduzon», collection of emirate.

Бухоро зардўзлиги-жуда қадимдан ривожланиб келаётган халқ амалий санъати турларидан биридир. Археологик топилмалар ва тарихий манбалардан маълумки, I-II асрлардаёқ Бухорода зарбоф кийимлар кенг тарқалган[1].

Бухоро музейида бир асрдан зиёд вақт мобайнида жаҳон тарихининг ноёб дурдоналари, ўлкамиз маданияти намуналари тўпланиб келинмоқда. Музейнинг дастлабки коллекцияси Бухоро амирлари даврида йиғила бошланган эди. 1922 йил 8 ноябрдан Бухорода илк музей фаолият кўрсата бошлади[2]. Ўша вақтда музейнинг асосий ашёлар фондиди хорижий мамлакатлардан келтирилган ва амир саройини безаб турган буюмлар ташкил этган. Бугунги кунда музейда 134 мингдан зиёд тарихий ашёлар сақланмоқда. Уларнинг икки мингдан зиёди амирлик коллекцияси таркибига киради. Ушбу коллекциянинг маълум қисмини манғит амирларига совға қилинган ашёлар ташкил этади[3].

Бухоро амирлиги ағдарилгандан сўнг (1920 й.) миллий маданиятимиз намуналари, тарихий аҳамияти катта бўлган буюмлар хорижга чиқиб кета бошлади. Бухоро Халқ Совет Республикаси Маориф нозирлиги бир неча мартаба матбуот ва оммавий чиқишларда тарихий ашёларни четга чиқариш мумкин эмаслиги ва кимда тарихий аҳамиятга эга буюмлар бўлса келтириб Маориф нозирлигига топшириши сўраган. Икки йил ичида тарихий ашёлар сони кўпайиб музей ташкил этишга асос бўлди. Шунингдек, бу даврда «эски ҳукуматдан қолган нарсалар» номи билан амирликдан ва амалдорлардан қолган буюмлар ҳам кўпайиб қолган эди[4].

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси қирим китобларининг дастлабки учтаси тўғридан-тўғри амирлик билан боғлиқ ашёлар ҳисобланади. Кейинчалик аҳоли томонидан топширилган ва музей мутахассислари ёрдамида амирлик коллекциясига тегишли эканлиги аниқланган буюмлар сони билан ҳам коллекция сони ортиб бормоқда. Коллекцияда зардўзлик буюмлари салмоқли ўрин эгаллайди. Бухоро амирлари ва уларнинг оиласига тегишли бўлган зардўзлик кийимлари ҳозирги кунда нафақат Ўзбекистон музейларида балки, Россия, Германия, Австрия ва бошқа дунё музейларида сақланмоқда.

Зардўзлик зар ип билан нақш (кашта) тикиш касби ҳисобланади. Қадимдан оддий ипакдан тайёрланган ипларни симобда эритилган кумуш ва тилла сувига ботириб олишган. Натижада кўзни қамаштирувчи зар иплар ҳосил бўлган. Ипакнинг рангдорлиги кийимларни янада мукаммалаштирган.

Бухоро амирлари асосан соф ипақдан, бахмал ва кундал матолардан тайёрланган кийимларни кийишган. Бу кийимлар зар иплар билан нақшланганлиги сабабли ҳам «тўн» деб аталган. Амирлик қароргоҳи бўлган Арқда махсус «буғчахона» (халат ва бошқа кийимлар учун жой) бўлиб, у саломхона ҳовлиси остида жойлашган[5]. Бу хонада амир совға мақсадида тайёрлатган кийимлар сақланиб, улар давлат хазинасининг бир қисми ҳисобланган. Амир саломга келганларни тақдирламоқчи бўлса, дахлизда кутиб турган удайчига ишора берган ва дарҳол янги бир усти бош кийим «сарпо» (сар- бош, по(пой) - оёқ) саломга келган кишига топширилган. Бухоро амирлигида давлат амалдорлари ва ҳарбийларни даражаларга ажратишда ҳам зардўзи тўнларнинг ўрни бўлган. Яъни амир Музаффархон замонида турли унвон ва орденлар мавжуд бўлмаган. Лавозимдаги кишиларни унинг турли буюмларига қараб аниқлашган. Асосан юқори даражадаги ҳарбий амалдорларгина зардўзи тўнлар билан тақдирланишган. Албатта қушбеги, беклар ҳам зардўзи кийим кийишган. Чунки улар ҳам маълум бир ҳарбий мансабга эга кишилар ҳисобланишган.

Бухоро амирларининг аксарият чопон(тўн)лари зардўзлик услубида тикилган. Масалан, биргина ҳозирда Арқда Бухоро амирлиги тарихи экспозициясида намойиш қилинаётган Бухоро амири Музаффархон(1860-1885)нинг зардўзи-заминдўзи услубида тикилган тўнни тайёрлаш ишлари 5 ой давом этган бўлиб, 3 та моҳир ҳунарманд (бир хил услубдаги тика оладиган, ёши анча улғайган зардўзлар фақатгина бу ишни уддалай олишган) биргаликда тикишган. Тўннинг оғирлиги 10 кгдан ортиқ бўлиб, яна устма-уст кийилган[6]. Ушбу экспозицияда яна бир йирик тўн, бахмал матодан тикилган бўлиб, олд томонида икки узун йўлак шаклида нақш солинган. Орқа томон икки кифт орасига айлана «медалён» туширилган нақшлар шу даражада нозик ишланганки бир нуқтадан ўн икки маротаба зар ип ўтказилган. Тўннинг энг ва этаклари ҳам қалин зардўзи хошияланган[7].

Ситораи Моҳи-хосса амалий санъат музейи кўрғазмасида ҳам Бухоро амирларининг бир неча зардўзлик буюмлари намойишга қўйилган. Уларнинг энг қадимийси XIX асрнинг 60-йилларига тегишли бўлиб, Амир Музаффархоннинг тахтга чиқиши муносабати билан тикилган. Жома яшил бахмалга гулдўзи ва заминдўзи услубида бута гуллар тасвири тушириб ишланган[8].

1920 йилгача Бухорода 300-350 нафар зардўз уста ишлаганлиги маълум. Бухоро шахрининг ўндан ортиқ гузарида зардўзлар истиқомат қилишган. Хусусан, шаҳарнинг жануби-ғарбида жойлашган Мир дўстим

гузари «Гузари зардўзон» деб ҳам юритилган[9]. Арк қалъасида Бухоро зардўзи ашъёларининг деярли ҳаммаси амир саройининг эҳтиёжи учун ишлатилган, фақат жуда оз миқдоригина сотиш учун бозорга чиқарилган. Эркакларнинг зар билан тикилган тўн, камзул, чакмон, чалвор, пойафзол, белбоғ, салла, кулоҳ ва жул фақат хон учун, шунингдек хон ва унинг яқинлари томонидан бирорта оилавий тантана ёки байрам муносабати билан тайёрлатилган. Амалдорларнинг ҳеч бириюқорида айтиб ўтилган кийимлардан бирортасини ўзига буюртиришга ҳақи бўлмаган. Фақатгина зарбофт кийимларни амир совға қилгандагина кийишга рухсат берилган. Зарбофт тўнлар амир маълум бир лавозимни топшириш жараёнида тақдим этилган.

Бундан ташқари, аёллар ва болаларнинг зардўзи кийимлари фақат бадавлат хонадонларнинг аъзоларигагина хос бўлган. Бу кийимларни улар бирор оилавий тантана ёки байрам муносабати билан кийишган. Бой хонадонларнинг 8-10 ёшдан катта бўлмаган ўғил болаларига суннат тўйи муносабати билан зарбофт тўн кийдирилган.

1756-1920 йилларда Бухорода ҳукмронлик қилган манғитлар сулоласига тааллуқли бўлган зардўзи кийимлар ҳозирги кунда бизгача етиб келган ягона ёдгорлик нусхалардир. Манғитларнинг дастлабки вакилларига мансуб бўлган зардўзи ашъёлар бизгача деярли етиб келмаган. Амир Ҳайдар (1800-1826й) замонидан ягона ёдгорлик сифатида зардўзи маҳси сақланиб қолган. Маҳсига ҳижрий 1224 рақами тикилган, бу мелодий 1809-1810-йилларга тўғри келади. Мазкур рақамнинг учраши шу пайтгача зардўзи кийимларда рўй берган ягона ҳолдир[10]. Амир Насруллоҳонга (1827-1860й) тегишли анчагина зардўзи кийимлар сақланиб қолган. Лекин, буюмларнинг кўпчилиги 1895 йилдан 1911 йилгача ҳукмронлик қилган Абдулахадга мансубдир. Чунки бухоролик каштачиларнинг зардўзлик санъати айни шу даврда гуллаб яшнаган[11].

Зарбофт маҳсулотлар орасида бош кийимлар алоҳида ўрин эгаллайди. Мусулмон эркаклари бош кийимлардан бири бу салла ҳисобланади. Музей кўриқхонанинг зардўзи кийимлар коллекциясида 10 га яқин зардўзи саллалар мавжуд бўлиб, улар ҳинд шодокасига турли ўсимликсимон нақшлар билан безатилган. Шунинг ҳам инобатга олиш керакки, Бухоро амирлари асосан оқ салла ўрашган ва баъзан байрамона ҳолатлардагина зардўзи салла кийишган.

Бухоро аёллари либосига хос култапўшаклар, сочга тақиладиган тўф ва жамалаклар ҳам зардўзлик ҳунари маҳсулидир. Аёллар бош кийимлари компонентларидан кенг тарқалгани култапўшак ва дўппилардир.

Култапўшакларни асосан аёллар, дўппиларни эса қизлар кийишган. Рўмоллар аёлларнинг энг кенг тарқалган бош кийими ҳисобланган. Пешонабандлар ҳажмига кўра кичикроқ бўлиб, квадрат шаклида бўлган, бой-бадавлат оилалардан бўлган келинлар ва аёлларнинг пешонабандлари зардўзлик нақшлари билан безатилган.

Бадавлат хонадон аёллари маросимларда олтин ёки кумуш иплар «зардўзи» услубида тикилган рўмол ўрашган. Булар Россиядан ва Ҳиндистоннинг Кашмир вилоятидан савдогарлар Буюк ипак йўли орқали олиб келишган.

Пешонабанд зар ва ипак иплардан эни 10-15 см, узунлиги 50-55 см қилиб, орасига картон қўйиб тикилган. У тасма шаклида бўлиб, фаранг рўмол қийиқ қилиб унга ўрнатилган бўлади.

Култапўшак – аёлларнинг қадимий бош кийими. Бухоро амирлигида, ундан кейин XX асрнинг 50-70-йилларида ундан кекса ёшдаги аёллар фойдаланишган. Култапўшакнинг кизак қисми – энг, чети жиякли, бошга кийиладиган қисми думалоқ дўппи шаклида авра-астарли бўлган. Орқа томонидан энгчага ўхшаш қисми (думи)дан соч ўрами орасидан соч ўрами ўтказилган.

Зардўзлик ҳунари асрлар давомида Бухоро воҳасида ривожланган ва ўзига хос мактабига эга бўлган. Шоҳона зардўзлик маҳсулотларини тикиш ва уни кийиш Бухорога хос хусусият бўлгани боис энг катта амирлик зардўзлик коллекцияси вужудга келган. Зардўзлик ҳунари тарихи ҳақида маълумот берувчи мазкур коллекция бугунги кунда маданий меросимизнинг бир қисми сифатида Бухоро давлат музей қўриқхонасида сақлаб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бухоро ҳунармандчилиги зебу зарлари.Т., «O‘zbekiston» НМИУ, 2017.Б.4.
2. Болтаев А. Бухоро музейи – тарихий ўлкашунослик маркази сифатида. Т.: Наврўз. 2019.Б.6-7.
3. КП Бухарского государственного музей-заповедника. 1960 гг.– 1.2.3.
4. Бухоро ахбори. 1922 йил. 112 сон. 23 ноябрь.
5. Андреев М.С.,Чехович О.Д. Арк (Кремль) Бухары (в конце XIX - начале XX в.). 1972.С.36.
6. Инв. 1789/9.
7. Инв. 1792/9.

- 8.Жумаев Қ. Ситораи Моҳи Хосса.-Бухоро.:Бухоро.2010.Б.67.
- 9.Сухарева О.А.Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). –М.: Наука.1976.С.285.
- 10.Гончарова П.А. Бухоро зардўзлик санъати. Т.: Гафур Гулям. 1986. С.8.
11. Гончарова П.А.Бухоро зардўзлик санъати. Т.: Гафур Гулям. 1986. С.9.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ШЎЪБА: МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС ҲАМДА УЛАРНИ САҚЛАШ, АСРАШ, ТИКЛАШ	4
Исмаилова Ж. XX асрда арт-криминалистика: моҳият ва имконият	4
Шамси Фарида. Особенности работы музеев в период пандемии	13
Исмаилова Ж., Левтеева Л. Там, где хранятся реликвии истории	21
Кадыркулова Ж. Ковроткачество традиционный вид декоративно прикладного искусства культуры народов центральной азии (на примере туркменистана и Кыргызстана).....	30
Бобомуллоев М. Методы очистки, реставрации и консервации некоторых медных предметов из «коллекции шол» национального музея Таджикистана	35
Доспанов О. Материалы к изучению археолого-топографических связей городов правобережного хорезма в эпоху средневековья.....	41
Маммадова А. О монетах саманидов, чеканенных в Узбекистане	53
Ахмедшина Ф., Болтаев М. Анатолия цивилизациялари музейи яратилиши тарихи.....	60
Альжанова А. Современный музей: сохранение традиции через цифровые технологии	67
Курязова Д. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон музейларнинг ташкил этилишида маҳаллий аҳолининг ўрни.....	72
Nishiaki Yo., Aripdjanov O. Discovering of New Neolithic Site Kaynar Kamar In Southern Uzbekistan	78
Каримова Д. Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган бронза даври сополлитепа ёдгорлиги топилмалари.....	88
Muxamedova M. Shahrisabz tarixiy markazini saqlash tarixi va muzeylashtirish amaliyotining o'rganilishi.....	95
Реугова М. Сохранение Шедевра Согдийского Искусства - Росписей «Зала Послов» На Афрасиабе.....	108
Гиззатов С. «Золотой человек» как символ степной цивилизации.....	114
Маммадов Э., Мустафаев Л. Материальные и духовные памятники, хранящиеся в фондах Национального музея истории Азербайджана как средство популяризации истории Азербайджана.....	124
Курбанова М. Бухоро зарбоф кийим-кечаклари коллекцияси	132
Исматуллаев Ф. Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликда муҳим омил	138
Рахмонов К. Бухорода биринчи музей ва унинг ташкилотчиси.....	146
Минасянц В., Норкобилов Т. Керамические матрицы-штампы средневекового периода из собрания государственного музея истории Узбекистана Ан РУз.....	152
Akhmedov J. Problems Of Preservation Of Archaeological Monuments In Uzbekistan.....	161
Рахимов К. Мурғоб воҳасининг бронза даврига оид хонани иситиш қурилмалари тўғрисида айрим мулоҳазалар	167